



REQUIREMENTS FOR IMPROVING THE CREATIVE SKILLS OF MILITARY EDUCATORS

Rayimov Shukurullo

Ph.D., Associate Professor, O'R JV Academy HTM PK Training Center
Senior Teacher - Associate Professor

Abstract

In the article, the issue of paying special attention to young military pedagogues becoming creative, highly qualified professionals in the educational process, not receiving ready-made knowledge, but gaining knowledge, becoming active, increasing their sense of responsibility, becoming an active participant in the educational process, creating a foundation for the development of the future creative pedagogue thought about.

Key words: cadet, education, creativity, ability, development, need, need, motivation, attention.

ҲАРБИЙ ПЕДАГОГЛАРНИНГ ИЖОДКОРЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАЛАБЛАРИ

Райимов Шукурулло п.ф.н., доцент,

ЎР ҚК Академияси ҲТМ ПК малакасини ошириш маркази
катта ўқитувчиси - доценти

Мақолада ёш ҳарбий педагогларнинг ўқув-тарбия жараёнида ижодкор, юқори малакали касб эгаси бўлишига, улар тайёр билимларни қабул қилиб олувчи эмас, балки билим олиши, фаоллашишига, масъулият ҳиссининг ошишига, ўқув жараёнининг фаол иштирокчисига айланишига алоҳида эътибор бериш, бўлғуси ижодкор педагогнинг ривожланишига замин яратиш масаласи ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: курсант, таълим, ижодкорлик, қобилият, ривожлантириш, зарурият, эҳтиёж, мотивация, эътибор.

Президентимиз, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ш. Мирзиёев: “Униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида мустаҳкам ҳаётий позиция ва Ватанамиз тақдири учун юксак масъулият туйғусини шакллантириш мақсадида ватанпарварлик тарбияси соҳасида ноёб тизим





яратилди” [1] дея таъкидлаб, миллий армиямизнинг ҳар тарафлама салоҳиятини кўтаришга алоҳида эътибор қаратиб ўтдилар. Бундай авлодни тарбиялаш эса ўз-ўзидан педагоглар зиммасига тушади. Замон талабларига жавоб берадиган ижодкор, масъулиятли педагоглар авлодигина ҳақиқий ватанпарварларни тарбиялайди.

Ҳарбий таълим соҳасида юқори салоҳиятли, рақобатбардош ўқитувчиларнинг янги авлодини тайёрлашга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Давлат таълим стандартларини ўзлаштиришни кафолатлаш шу кундаги таълим олдида турган долзарб ва кечиктириб бўлмас масалалардан биридир. Бу эса, ўз навбатида, юксак маҳорат талаб этади. Ҳар қандай маҳоратнинг бошланиши эса педагог шахсининг ижодкорлигидан бошланади. Шу сабабли, педагогик олий ўқув юртларида бўлғуси ўқитувчиларни тайёрлашда ўқув режа, дастурлар, дарслик ва қўлланмалар стандарт талабларга мувофиқ бўлиши, ижодкор шахсининг шаклланиши долзарб масалага айланмоғи лозим.

Бўлғуси ўқитувчини тайёрлаш ва тарбиялашда унинг ўзини мустақил фикрловчи, мустақил таълим олувчи, ўз фаолиятини мустақил ташкил эта оладиган, ўз-ўзини назорат қила олувчи, ўз-ўзини ривожлантирувчи, ўз шахсий позициясига эга бўлган шахс сифатида шакллантирмоқ керак.

Ижодкорлик қўйидагича атама ва тушунчаларга эга [1. 24 б.]:

– ижодкорлик; ижодкорлик қобилияти; ижодий жараён; ижодий фикрлаш; ижодкор шахс; ижодий фаолият ва ҳоказолар.

Булар ижодий фаолият юритиш ва унинг қўлланишига асос бўла олади. Шу сабабли ҳам барча учун маълум бўлган кўринишли қўйидаги ижодкорлик йўналишлари мавжуд:

- илмий ижодкорлик;
- техник ижодкорлик;
- адабий ижодкорлик;
- муסיқий ижодкорлик;
- бадий ижодкорлик;
- ўқув ижодкорлиги;
- ҳарбий ижодкорлик;
- ўйин ижодкорлиги;
- коммуникатив ижодкорлик;
- бошқарув ижодкорлиги ва бошқалар.





Педагогик ижодкорлик ва педагогик маҳорат тушунчалари бир-бирига яқин бўлсада, улар бир маънога эга эмас. Педагогик маҳорат эгаси ўз касбини юқори даражада эгаллаб олган касб устаси ва катта тажриба орттирган шахсдир. Ижодкорликда эса ёш, ўз ишини эндигина бошлаган ўқитувчи ҳам бўлиши мумкин, аммо у ҳали маҳорат эгаси эмас [2. 33 б.]. Ижодкор шахс ижодкор ўқитувчи бўла олади. Ижодкор шахс олий ўқув юртида ва педагогик жамоа муҳитида шаклланиши мумкин. Ижодкор шахс бўлиш мустақил таълим олиш, ижодий тинимсиз меҳнат қилиш билан боғлиқ. У узлуксиз таълим олиш асносида юқори даражадаги профессионализмни шахсга айланади.

Юқоридагиларни бараварига намоён эта олиш асосида ижодкор педагог шаклланади. Ижодкор педагоглар авлодининг шаклланиши таълимни креатив инновацион ривожланишига олиб келади. Айниқса, ҳозирги замонда ривожланувчи мактабнинг ўқитувчиси юқори касбий профессионализмга эга бўлиши талаб этилади. Яъни янги авлод ўқитувчиси педагог-изланувчи, педагог-ижодкор бўлиб, ўз педагогик фаолиятида ижодкор шахсни тайёрлаши талаб этилади. Умуман олганда, ижодкор ўқитувчи янгича ёндашув ва янги ғоялар асосида янгича билим, янгича тажрибаларни таълимга татбиқ этади.

Аввало, ижодкорлик деганда қўлга киритилган ютуқлар тушунилади. Ижодкорлик инсоннинг шундай фаолиятики, унда ўзига хос янги кадриятлар яратилади, қилинган ижодий жараённинг натижаси, маҳсули сифатида намоён бўлади, яъни бунда бирор янгилик яратилади, яратилган янгилик орқали эса ўқувчи қобилияти ўсади, ўз шахсий фикрини баён этиб, у фаоллашади. Ўқувчи фаоллашдимиз, демек у мустақил фикр юритади, мантиқий фикрлаш орқали мустақил тасаввурга эга бўлади [3. 41 б.].

Олимлар орасида ижодкорлик масаласида турли қарашлар мавжуд.

Уларни умумлаштирган ҳолда педагогик ижодкорликни қуйидагича даражаларга бўлиш мумкин:

Ижодкорликнинг илк даражаси – аудиториядаги курсантлар билан ўзаро элементар алоқалар ва мулоқотни ўрната олиш. Бунда педагог курсантлар билан қайта алоқа ўрнатади, ўзининг таъсирини ўтказиш асосида пировард натижани таъминлайди. Лекин у “ўрганган методикаси, ўрганган ва орттирган” тажрибаси асосида иш юритади.

Ижодкорликнинг кейинги иккинчи даражаси – машғулотларда ўз фаолиятини оптималлаштириш, ривожлантиришдан бошланади. Бунда у ўзига маълум бўлган мазмун, метод, шаклларни усталик билан танлайди ва янги мақсад сари интилади.





Ижодкорликнинг учинчи поғонаси – эвристик ёндашув ўқитувчи ижодий, жонли мулоқот асосида курсантлар билан самимий мулоқот қилиш учун муҳит яратади.

Ижодкорликнинг тўртинчи даражаси – бу педагогнинг юқори даражада тўлиқ мустақил ижодий муҳитда иш юритиши билан характерланади.

Ҳақиқий ижодкорлик ҳарбий педагогда курсантлар билан ҳамкорлик, ҳамижодкорликда вужудга келади. Бу ҳолат тўрт кўринишда намоён бўлади:

Биринчи ҳолат. Ўқитувчи ўз ижодий фаолиятини курсант билан бевосита боғламайди. У ўзи ижодий фикр юритади, ижодкорликда бир ўзи иштирок этади. Бу ҳолатда педагог – ибрат кўрсатувчи ролида бўлади.

Иккинчи ҳолат. Педагог ўз ижодкорлик фаолиятини аудиториядаги жараён билан боғлайди. У ижодий жараённи бошқаради ва йўллайди. Бу ҳолатда педагог “дирежёр” кўринишида намоён бўлади.

Учинчи ҳолат. Педагог айрим курсантларни ўзига хос фаолиятларига эътиборини қаратади. Бу ҳолатда педагог “кўзгу” кўринишида намоён бўлади.

Тўртинчи ҳолат. Бунда ўқитувчи машғулотнинг умумконцепциясини яратади, яъни айрим курсантларнинг ўзига хос томонлари, уларни ўз фикрларини эркин баён қилишга ва индивидуал, ҳамкор-ҳамижодкорликда иш юритадилар. Бу ҳолатда педагог “режиссёр” кўринишида намоён бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки: бўлғуси педагогларнинг ижодкор, юқори малакали касб эгаси бўлишида, курсантга ўқув-тарбия жараёнида унга объект сифатидадагина қаралишидадир. Яъни курсант тайёр билимларни қабул қилиб олувчи эмас, балки билим олиш, ўзлаштиришда субъект сифатида қаралиши зарур. Шу тариқа курсантнинг фаоллашига, масъулият ҳиссининг ошишига, ўқув жараёнининг иштирокчисига, мустақил таълим ола билиш кўникмасини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш, бўлғуси ижодкор педагогнинг шаклланишига замин яратилади.

Зеро, бўлғуси ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ҳам индивид, ҳам ижодкор, ҳам шахс шу билан бирга субъектдир. Бу тўрт кўрсаткич бирдек узлуксиз тараққий этиши, шаклланиши ва узлуксизликда такомиллашиб боришини таъминлаш лозим. Бундай ҳолат тизимли ёндашув асосида бўлғуси ўқитувчини профессионал педагог сифатида махсус ғоявий ҳамда ижтимоий тайёргарликка эга бўлган индивидуал етук шахс бўлиб шаклланишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, юқори салоҳиятли, рақобатбардош ўқитувчиларнинг янги авлодини тайёрлашга замин яратади.





Фойдаланилган адабиётлар

1. Зиёмухаммадов Д. Комилликка элтувчи китоб. – Т.: 2006. – 24 б.
2. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш / Монография. – Т.: Фан, 2004. – 33 б.
3. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013. – 41 б.

